

4.3. Корхона куйидаги хукукларга эга:

“Истеъмолчи” дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан etkazилган ҳақикий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда “Истеъмолчи” ни электр қурilmаларини ўчириш. “Истеъмолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНХАТга уланган ёки олдидан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истеъмолчи” ларни олдидан тўлов тугатгандан сўнг ўчириш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

“Корхона” ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали “Истеъмолчи” га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган ҳажмдаги энергияни узлуксиз etkazиб бериш;

қурилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

энергия etkazиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида “Истеъмолчи” га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдидан хабар бериш;

“Истеъмолчи” нинг энергия etkazиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, “Истеъмолчи” дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

“Истеъмолчи” га etkazиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истеъмолчи” нинг белгиланган тартибда кирилган тақлифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартаришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажминини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда “Истеъмолчи” га хабар қилиш;

“Истеъмолчи” га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия etkazиб бериш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Корхона” бунинг натижасидаги etkazилган зарарни қоплашга мажбур. “Истеъмолчи” эса etkazилган ҳақикий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Корхона”:

“Истеъмолчи” энергия истеъмолнинг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолнинг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолнинг ҳисабланган жамвалини бажармаган сўтқаларда паст сифатли энергия etkazиб берилганлиги учун;

Заҳира манбани автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия etkazиб беришдаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдидан моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. “Истеъмолчи” енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлгандаги ўчиришлар ва бошқа ҳолатлар учун, “Корхона” “Истеъмолчи” олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзга келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан амалдаги қонун, қарор, қарор, низолар асосида тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

VI. Яқуний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 ~~октябр~~ гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартаришлар жорий ойда қўлланилмайди, балки кейинги ойдан кучга киради.

Бюджет ташкилотлари учун : Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб Ғазначилик органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирда сакланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилганлик шартли билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзгартаришлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқийдир.